

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ
АДАБИЁТИ КУНЛАРИҚАРДОШЛИК
ТАРОНАЛАРИ

Қуёшли республикада қардош совет адабиётларининг вакиллари, социалистик мамлакатларнинг таниқли қалам соҳиблари меҳмон бўлиб турибдилар. Юртимизда кўп миллатли совет маданиятининг яна бир қутлуғ таянчиси — совет адабиёти кунлари бошланди. Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат Катта Академик театри биносиде Ўзбекистонда Совет адабиёти кунларига бағишлан-

ган интернационал дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Кечага йиғилганлар азиз меҳмонларни самимий табрикладилар. Таитана шодиналари бир ҳафта давом этади. Қардош адабиётлар вакиллари — адиблар, шоирлар, драматурглар, адабиётшунослар, таржимонлар республикамизнинг турли жойларида бўлиб, кенг меҳнаткашлар оmmasи билан учрашадилар. Улар ўзбек совет адабиётининг асосчилари Ҳамза Ҳакимзода, Ҳамид Олимжон ва Гафур Гулом хотирасига бағишланган дўстлик мушоирасида қатнашадилар.



Суратда: Тошкент аэропортида Ўзбекистонда бўладиган совет адабиёти кунларига келган меҳмонларни кутиб олиш пайти.

И. Глауберзон ва В. Спроткин фотоси.

ХУШ КЕЛИВСИЗ

Бугун бизнинг республика-мизга қон-қардош республикаларнинг атоқли ёзувчилари меҳмон бўлиб келдилар. Улар бизнинг республикамизда бир ҳафта меҳмон бўлиб, ўз китоб-хонлари билан, республикамиз меҳнаткашлари билан учрашадилар. Бир ҳафта мобайнида биз улар билан бирга бўлиб, адабиёт тўғрисида, ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тўғрисида фикрлашиб оламиз. Ўзбекистон ёзувчилар Союзига қадамлаш дўстларимиз билан ижодий учрашув ўтказиб, адабиёт тўғрисида сўз юритамиз. Бу учрашув мамлакатимиз адабиётини янада ривожлантиришда катта ҳисса қўшади деб ишонамиз.

МИРТЕМИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

ДУСТЛИК БАЙРАМИ

Тароватли май ойининг биринчи ўн кунлиги олам-олам кучли айёмлар кунига айланди. Кунин кеча қаҳрамон халқимиз, бутун прогрессив инсоният немис-фашист босқинчилар устидан қозонилган улуг Ғалаба кунини ишонладилар. Гузал, эркин, фаровон ҳаётимизнинг қадри, меҳру муҳаббати нақадар улуг.

Мамлакатимиз халқларининг бўлмаас, мустақам дўстлиги кўлга киритаётган шонли ғалабаларимизнинг улкан гаровидир. Улуг мамлакатимиз халқлари орасида дўстлик, ҳамкорлик шундай мустақам чуқур илдиз отганики, бунинг оқибатида бир халқнинг маданий бойлиги иккинчи халқнинг маънавий бойлигини кўпайтирмақда. Халқлар бир-бирларининг экономикасида, маданий бойликларида баҳраманд бўлиб келмоқдалар.

Бизнинг қуёшли республика-мизда, шунингдек қардош республикаларда мамлакатимиз халқларининг маданий байрамлари, декадалар, санъат ва адабиёт ҳафталиклари, турли ижодий учрашувлар ўтказилиб турилмоқда. Анъаналар айланган бу қардош адабиётлар ва санъат ўн кунликлари халқлари-

мизнинг маданий ҳаётида катта воқеадир. Бизнинг республика-мизда мамлакатимизнинг даярлик ҳамма қардош республикалари адабиёти ва санъати ҳодимлари меҳмон бўлганлар. Қардош республикалардан келган ижодий ташкилотларнинг ҳодимлари, қалам соҳиблари, санъат усталари республикамизнинг турли областларида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашиб ўз ишлари билан таништирилдилар. Бу учрашувлар халқимизнинг улкан шодина маданий байрамларига айланиб кетди.

Мана бугун республикамизга қардош республикалар ва социалистик мамлакатларнинг машҳур қалам соҳиблари меҳмон бўлиб келдилар. Уларни пойтахтнинг жамоатчилиги, адабиёт ва санъат ҳодимлари зўр шодиналик билан кутиб олдилар. Мамлакатимиз пойтахти Москва ва Ленинград шаҳарларида, шунингдек қардош республикаларда қардош республикалар билан келган сўз усталари элимизда ўз китобхонлари билан учрашадилар. Китобхонларга ўзларининг ижодий наллари, ёзаётган янги асарлари тўғрисида сўзлаб беришади. Қолхоз далаларида, олис йиллоларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, ўнвўр юрларида, турли жамоат

жойларида қардош халқлар тилларидаги шеърлар янграйди. Китобхонлар ўзларининг севимли китоблари, авторлари билан учрашиб, улардан дастхатлар оладилар.

Қардош республикалардан келган ёзувчилар республикамизнинг пойтахт областида, шунингдек Сирдарё чуқуварлари орасида, қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида, Фарғона пахтакорлари орасида бўладилар.

Республикамиз ёзувчилари қардош республикалар ва социалистик мамлакатлардан меҳмон бўлиб келган қалам соҳиблари билан ижодий учрашувлар ўтказишади. Бу учрашувларда маданий адабий алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр юритилади. Ёзаётган янги асарлар муҳокамадан ўтади. Республикамизда меҳмон бўлиб келган қалам соҳиблари орасида машҳур ёзувчилар Валдимир Кожеников, Берди Кербобоев, Анатолий Сафронов, Олеся Гончар ва бошқа машҳур сўз санъаткорлари бор. Социалистик мамлакатлардан — Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Куба, Руминия, Польша, Чехосло-

вакия ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг ёзувчилари ҳам азиз меҳмонимиз бўладилар. Ўз китобхонлари билан учрашадилар. Бу учрашувлар улкан дўстлик байрамига айланди.

Дўстлик! Бу сўзда олам-олам маъно ва ажиб ҳикмат бор. Бу сўзда кўп миллатли ва кўпмиллионли совет эли халқларининг, элатларининг метиндек мустақам бўлиб келган, бир-бирларига қадр-қиммати, меҳри-салоқати ўз ифодасини топтиган. Дўстлик туғайли қардошлик олмасга йиғилган халқлар ағза-ағза мақсад учун, истиқболга, коммунизмнинг ёрқин босқини бармоқ эттич учун ҳақ-рамонона кураш олиб бормоқдалар. Мамлакатимизнинг улкан қалам соҳиблари ижодларида ҳам бу буюк қардошлик темалари баралла янграб эшитилмоқда. Қардошлик темаларида улкан, бадиий полотнолар яратилмоқда. Атоқли қалам соҳиблари Николай Тихонов, А. Межелайтес, Петрус Бровка, Мирзо Турсунзода, Уйғун, Раул Гамзатов, Сулаймон Русат ва бошқаларнинг ижодларида мамлакатимиз халқларининг буюк қардошлигини ёрқин сатрларда тараннум этилиб келинмоқда.

Республикамизда бўлиб ўтган совет адабиёти кунлари мамлакатимиз халқлари ушкан байрамига айланди.

Сахон
ЯНГИЛИКЛАРИ

ГОЯТ КАТТА ВОҚЕА

БОНН, 10 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити Совет Иттифоқи билан ГФР муносабатларида янги даврни бошлаб беради, деди немис Компартияси правленисининг вакили Э. Вебер. У бугун немис Компартияси, немис тинчлик иттифоқи, социалистик ишчи немис ёшлари ва студентларнинг марксист «Спартак» Союзининг қўшма матбуот конференциясида сўзга чиқди. Бу партиялар ва ташкилотлар Л. И. Брежневнинг визити му-

носабати билан 19 майда Боннда Совет Иттифоқи билан дўстлик намоёнини ўтказишнинг таъаббускорларидир. Э. Вебер таъкидлаб ўтдики, ГФР меҳнаткашлари Л. И. Брежневнинг тинчлик намоёнида, хавфсизликни мустаҳкамлаш учун ишчилар билан курашга давлат вакили сифатида табриклиди. Немис тинчлик Иттифоқи партияси вакили Б. Ендерловски Л. И. Брежневнинг визитини ГФРнинг бутун аҳолиси учун гоаят муҳим воқеа, деб таърифлади.

И Ж О Б И Й Б А Х О

КОПЕНГАГЕН, 10 май. (ТАСС). Копенгагага расмий визит билан келган БМТ бош секретари К. Вальдхайм Европада давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши, истиқболлари ва бошқа муаммоларни кўриб чиқиб, бир неча марта бекарорлик ва уруш хавфи ўчоғи бўлган қитъада ақлинида ширқ билан қарб ўртасида, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бундан илтилошдан далолат берувчи ўзгаришлар юз бермоқда. У матбуот конференциясида сўзга чиқиб, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашининг таъбириш тўғрисида Хельсинкида бўлаётган кўп томонлама йиғилишга иштирок этишга даъват қилди. БМТ бош секретари Якин Шардакни аҳолини таърифлаб, мининг махсус вакилим Гунпар Ярринг ўз вазифасини давом эттиради, деб уқтириб ўтди.

АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 10 май. (ТАСС). АҚШ давлат секретари У. Рокерс Совет Иттифоқида савдо масаласида энг қулай режим яратиб берилиши Совет-Америка муносабатларини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан нормаллаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлур ади, деб айтди. Конгресс вакиллар палатасининг бюджет комиссияси ҳукумат тақдим этган 1973 йилги савдо реформаси тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришди. У. Рокерс бюджет комиссиясида сўзга чиқиб, «кейинги йилларда АҚШ билан СССР ўртасида муноса-

батлар яхшиланди», деб уқтириб ўтди. У шунингдек Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ўртасида «тинч-тотув ва ўзаро фойдали янаш имкониятлари яхшиланиши» таъкидлаб ўтди. АҚШ ҳукумати, деб таъкидлади У. Рокерс, «Совет Иттифоқи билан муносабатларини доимий яхшилашга» интиломоқда. СССРга савдо масаласида энг қулай режим яратиб берилишидан воз кечиш бу муносабатларнинг ривожини «иккинчи хавф остида қолдирилган бўлур ади», деди у.

ЭНГ ЙИРИК КОМБИНАТ

РАНГУН, 10. Ела шаҳрида Бирмада энг йирик целлюлоза-қоғоз комбинати қурилиши бошланди. Комбинат кунига 120 тонна махсулот ишлаб чиқарадиган бўлади. Ела шаҳридаги целлюлоза-қоғоз комбинати 1975 йилда ишга туширилиши лозим.

ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

БЕЛГРАД, 10. Поповац шаҳрида йирик цемент заводи ишга тушди. Завод Сербияда ишлаб чиқарилаётган барча цементнинг ярмини беради. Завод йилга 900 минг тонна цемент ишлаб чиқаради.

Чинариш қувватига эга. Завод энг замонавий ускуналар билан таъминланган. Бу корхонанинг ишга туширилиши Югославиянинг чет элдан цемент сотиб олишини бирмунча қисқартиради.

ҲИНДИСТОННИНГ БИРИНЧИ
ЕР СУНЬИЙ ЙЎЛДОШИ

ДЕҲЛИ, 10 май. (ТАСС). Бош министр Индира Ганди бугун парламентда маълум қилдики, таъминла Ҳиндистонда лойиҳа қилинган ва ясалган биринчи ер сунъий йўлдоши келаси йил СССР территориясидаги космодромдан совет учирувчи ракетаси ёрдамида орбитага чиқарилади.

300 килограмм оғирлиқдаги йўлдош 600 километр радиусда айланма орбитага чиқарилади. Бош министр айтдики, йўлдошда илмий экспериментлар ўтказиладиган ускуналар ўрнатилди, деб хабар беради ИТИ агентлиги.

ШАҲАРДА ЖАЗИРАМА ИССИҚ

КАРОЧИ, 10. Кеча Карочида сунъий етти йил ичида йилнинг шу даври учун энг иссиқ кун қайд қилинди. Харорат 44 даражага кўтарилди. Булуғистон саҳросидан келаятган иссиқ шамол оқибатида кун шундай қизиб кетди.

«Шаҳар касалхоналарига иссиқдан ва оғир ўршидан касалланган бир неча киши келтирилди».

ҚИЗИНГ ГЎЗАЛ БЎЛСИН, ШОИРА БЎЛСИН
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРАСИ ЗУЛФИЯГА

Омпоқ тоғ тўғрисида, дала чиймай тун,
Энг ёруғ юлдузлар иқболдан гулгун
Айтмиш шивирлашиб, бари ушбу тун:
Бугун саҳар чоғи шодлиққа тўлсин.
Вақт этиб темирчи уйда бугун
Қиз тугилиб, оти Зулфия бўлсин...
Озод, хуш қилиқли қиз бўлсин ўзи,
Паранжи кўрмасин ой каби юзи,
Кўп йўлларга тўшсин мувоқар ири,
Тоғ юлдузи мисол оламга қулсин,
Минг туманда қайтсин ҳар азиз сўзи
Озод қизининг оти Зулфия бўлсин.
Айтмиш: эд қизингда юлдуз кўрсин, деб,
Кўнглингда гузаллик гуллаб турсин, деб,
Кўрашини, ёшларини энгиб юрсин, деб,
Муалларда нур соғиб оғир ўргилсин,
Этти иқлим унга қулоқ берсин, деб
Исми ким деганда — Зулфия бўлсин.
Бир қалам торганда — гулчаласин гул,
Икки бор торганда — майяга келсин кўл,
Учинчи бор — пода чексини булбул.

Ишқ ила ҳикронинг қудратин билсин,
Баҳор қўшнига юзланиб кўнгила,
Ҳаммаийи тилида «Зулфия» бўлсин.
Айтмиш: қиз гам-қулоғат кўрмасин сира,
Уни таниб олсин Париз, Қоҳира,
Ҳинд ичра кўрсин зўр мушоира,
Ҳар босган қадами гул, гил бўлсин,
Донгга, достонларни айлосин хира,
Қайда бўлса, бизнинг Зулфия бўлсин.
Яхши одам исми қўнглининг вақсин,
Ниятлаб от қўйсин, ҳаммаси яхши,
Айтмиш, ким қизига исм қўймоқчи?
Толе оқшомда бир энг бўлсин,
Гар бўлсан фарзандинг донгин ёймоқчи,
Иттимос, қиз оти «Зулфия» бўлсин.
Эғил бўлса, ўзинг от қўнгила донм,
Майли, Гафур, Ҳамид, майли, Иброҳим...
Бирок сизга бир насихат қилайин:
Қизингиз чевару, шоира бўлсин.
Гузаллик тисоли бўлсин, кироин,
Исми ҳам, ўзи ҳам Зулфия бўлсин!
Муҳаммад АЛИ таржимаси.

Микола НАГНИБЕДА
украин шоири

САҲРОДАГИ ШАҲАР

Оддий ип кунлари бўлмақда
Не-не мўъжизага эканмиз
О, қуёш нурида тўнмилган
Оқ тош — инжуларнинг
Ҳаммаси яратган афсона шудир,
Лол этар куй куйлаб, чунон
Товлабди.

Гўёки симобий чўнг
Мармарларда,
Меъморлар юраги яшар
Товлабди,
Лобар даладарда ўсган
Қизларнинг,
Дев ўғлонлар қалби энг
Таратмиш,
Ойна-ю, бетондан, шаффоф
Пулдан,
Саҳро ўртасида жаннат
Яратмиш.

Кварталлар оқар мисоли
Қурувчилар бунда олишар
Шу зайл абадий ишчилар
Учун,
Маскан бўлиб қолар бу —
Бог-эрам!
Русчадан
Раҳим УМАРИЙ таржимаси.

ПРОТОКОЛ

ҲАЖВИЯ

— Ассалому алайкум!
— Ваалайкум ассалом! Сиз-
га ким керак, менми?
— Худди шундай... Мен уй-
лар бошқармасиданман. Дахли-
зингиз жудам аломат эканми?
— Ҳа, ёмон омас.
— Мана бу ер ваннахонами?
— Ҳа.
— Қошнидан шекилли?
— Шундай...
— Қошнини қаёдан олдин-
гиз?
— Хўш, сизга нима десам
экан...
— Тушунарди... Унглазининг
мана бу оқ ўтирғинини қаёдан
топдингиз?
— Сотиб олганман.
— Чек борми?
— Оқ ўтирғини? Афсуски,
чек талаб қилинишини ҳаблим-
га ҳам келтирмабман.
— Афсус! Сиз мана шундай
катта ваннахонада ёлғизлигини
ҳис қилмайсизми?
— Тушунма...
— Бошқарар ҳам шунақаси-
дан сотиб олгиси келадими...
— Бизнинг уйдигиларнинг
ҳаммасида шунақа ваннахона
бор.
— Мен шаҳардаги бошқа
одамларни назарда тутаяман...
Хўш, мана бу қанақа қўшча?
— Қанарейка.
— Рухсатномангиз борми?
— Нимага рухсатнома?

— Квартирада қуш боқингиз-
да?
— Билмаган эканман...
— Афсус... Сиздаги мана бу
сурат ҳам, менимча, чанки,
эмас.
— Репродукция бу?
— Хўш, сиз деворга илган қў-
шмага рухсатнома олганмисиз?
— Йўқ.
— Хўш, сиз макулатура топ-
ширганмисиз?
— Йўқ... менда унақа нарсани-
нинг ўзи йўқ.
— Темир-терсакти?
— Йўқ... йўқ...
— Хўш... ҳечқиси йўқ, энди
протокол ёзмамиз.
— Про... протокол?
— Шундай. Биз бу ерда ни-
мани аниқлаган бўлсак, ҳамма-
сини протоколга ёзмамиз, пан
Кўсьмидерич!
— Кеңирасиз, мен умуман
Кўсьмидерич эмасман! Кўсь-
мидерич мендан бир қават
юқорда ашайди!
— Чиндими?
— Албатта!
— Ундай бўлса мени афв
агин! Сиз — ақойиб, ояна,
ноб одам экансиз! Анави Кўсь-
мидерич аса, уйлар бошқар-
маси пидлоқларнинг юзалини
ҳақда қайтарайди, деб гае-
тага ёзди. Мен унга кўрсатиб
қўйман газетига ёзини!
Русчадан Т. Махмудов тар-
жимаси.



Польшанинг барча шаҳарларидаги халқаро матбуот ва китоб клубларида ўқувчилар жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўладилар, янги газеталарни ўқиб, сиёсий ва бадиий адабиётлардан сотиб оладилар. Бу ерда совет журналлари ва газеталарида қизиқинг катта. Суратда: Варшавадаги халқаро матбуот ва китоблар клуби аъзолари совет матбуоти янгиликлари билан танишмоқдалар.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

